



## СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ: МАҚБАРALAR MEЪMOPЛИГИ

Назаров Уктам Отабекович

*Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.*

*Тошкент Кимё халқаро университети*

[UNazarov1990@gmail.com](mailto:UNazarov1990@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Сурхондарёда воҳасида жойлашган мақбараларнинг архитектуравий ечими, типологияси, жойлашган ўрни, қурилиш материаллари ва бошқа хусусиятлари ҳақида сўз боради. Сурхондарё воҳасидаги мақбаралар асосан бир гумбазли бўлиб, бошқа ҳудудлардан фарқли равишда бинонинг безаклари камлиги, Абу Исо ат-Термизий ва Ал Ҳаким ат-Термизий мақбаралари типологиясида масжид ва хонақоҳ комплекс тарзда шаклланди.

**Калит сўзлар:** мурабба, хонақоҳ, мемориал бино, гумбаз, айвон, типология, зиёратхона, қабр, гўрхона.

### Кириш

Марказий Осиёда мақбара қурилишига қадимдан катта эътибор берилган. Мақбаралар, асосан ислом дини ўрнатилгандан сўнг йирик дин, фан арбоблари, подшоҳлар учун қурилган. Ўрта асрларда қурилган мақбараларнинг аксарияти бир хонадан ташкил топган. Кейинчалик мақбаралар икки, уч ва ундан ортиқ хоналарни (зиёратхона, гўрхона, кириш хонаси) ўз ичига олган. Шунингдек, давр ўтиши билан мақбаралар ёнига яна бошқа шахсга тегишли мақбаралар, қўшимча хоналар қўшилиб, катта мажмуаларга айлантирилган [7, 37-бет]. Мақбара, турбат — қабр устига қурилган махсус бино. Оддий тури чорси хонадан иборат, унга пештоқли эшик орқали кириш мумкин. Баъзан хонанинг тўрт томони равоқли чордара шаклида бўлган [3, 37-бет].

Мақбара – қабр устига қурилган мемориал бино – мавзолей. Баъзан уни марқад, турбат деб ҳам аташади. Мусулмон динида дастлаб қабр устига бирор тош қўйиш, иморат қуриш умуман ман этилган. Лекин IX асрдан бошлаб мақбаралар қурилгани маълум. Мовароуннаҳрда ҳам IX асрнинг охиридан бошлаб мақбаралар қуриш одатга кира бошлаганини Г.А. Пугаченкова, П.Зоҳидов, М.Қ. Аҳмедов, Л.Ю. Маньковская каби қатор олимлар ўз тадқиқотларида баён этганлар. Мақбаралар шаклланиш композицияси жиҳатидан иккига бўлинади, бир хонали бинолар, кўп хонали бинолар. Бир хонали мақбаралар туркумига кирувчи ёдгорликларнинг икки кўриниши мавжудлигини профессор М.Қ. Аҳмедов яққол мисолларда кўрсатган. Бир хонали мақбараларнинг иккинчи кўриниши гумбазли – пештоқли бинолардир. Бу турдаги биноларнинг аввалгисидан фарқи – чортоқ кўринишидаги тўрт томони бир хилда қурилмаслигидадир. Уларнинг асосий кириш қисми алоҳида маҳобатли тарзда қурилиб, кириш йўли пештоқ орқали ўтган [2, 56-бет]. Кўп хонали мақбараларнинг типологик асосларини биринчилар қаторида Г.А. Пугаченкова ва Л.Ю. Маньковскаялар ўз илмий асарларида таҳлил этганлар. Икки ва ундан ортиқ хонали мақбаралар туркумига нафақат гўрхона балки зиёратхона, махсус дахлиз, ҳовли, айвон, айримларида хонақоҳ ва масжидлар кирган. Кўп хонали мақбаралар кўпинча гуруҳ қилиб эмас, балки алоҳида-алоҳида бинолар сифатида бунёд этилган.

### **Асосий қисм**

Марказий Осиё мақбараларига хос меъморий – режавий хусусиятларни умумлашган ҳолда қуйидагича белгилаш мумкин:


1. Бир хонали мақбаралар, уларнинг тарҳи квадрат шаклида бўлиб, ҳажми кубсимон, гумбазли, кўринишидан тўрт томони бир хил.

2. Бир хонали мақбаралар, уларнинг чортоқ (тўрт томонида тоқ – равоқли бўлган тўртбурчак хона) кўринишидан тўрт томони бир хилда қурилмаган, гумбазли – пештоқли.

3. Кўп хонали мақбаралар, уларнинг тарҳи тўғри тўртбурчак бўлиб, гумбазли – пештоқли.

4. Мақбара бир гумбазли, қўш гумбазли ва гумбазларнинг турлари: балхи, чархи, думалоқ, конуссимон, кулоҳий шакллардан иборат.

5. Мақбара безакларида, оддий ғиштин, ранг-баранг ўймакор ва сиркор безаклардан, куфий ёзувлардан кенг фойдаланилган бўлиб, бетакрор меъморликни шакллантирган [14, 26-30 бетлар].




1 – расм. Тарҳлардаги кўп гумбазлар композицияси. (Л.И. Ремпель бўйича)


A) Тўрт гумбазли, B) Олти гумбазли, B) Тўққиз гумбазли, Г) Уч гумбазли, Д) Бир гумбазли, E) Икки гумбазли, Ж) Тўққиз гумбазли, З) Уч гумбазли, К) Тўрт гумбазли, Ю) Тўрт гумбазли

Гумбазли зал билан бирга кўп гумбазли композициялар ҳам шаклланган. Бу устунлар устидаги гумбазли заллар ва девор бўйлаб ёки ховли атрофи бўйлаб бир ёки бир неча қаторда гумбазли галереялар. Улар бошланғич нуқтаси билан бир хил ечимларга эга, аммо кўпайтирилган шаклда. Бу афтидан, бутун ўрта асрлар меъморчилигида қабул қилинган панжара устида режа тузиш ғоясини келтириб чиқарди. Уларнинг устига гумбазлар ётқизилган ва ўқларнинг кесишган жойларида устунлар белгиланган. Бир тиргакда тўртта гумбаз, тўртта устун – тўққизта гумбаз ва ҳоказо [9, 101-бет].


ЎРТА АСРЛАРДА МАҚБАРАЛАР МЕЪМОРИГИ




Тўртоғизгумбаз мақбараси. Тарх. XI асрлар.




Хўжа Рўшнои мақбараси. Тарх. XI- XII асрлар.




Ўйик Гумбаз мақбараси. Тарх. XI- XII асрлар.




Оқ-Остона бобо мақбараси. Тарх. X-XI асрлар.



Атоулла Саид Вақос мақбараси. Тарх. X-XI асрлар.



Оқ-Остона бобо мақбараси. Қирқим. X-XI асрлар.



Оқ Остона бобо мақбараси. Ҳозирги ҳолат. (Муаллиф фотоси, 2019-йил)

2 – расм. Сурхондарё воҳасининг ўрта асрлардаги бир гумбазли мақбаралари

Оқ Остона бобо мақбараси Сариосиё тумани Телпакчинор қишлоғида жойлашган. Мақбара куббали, дунё томонларига монанд тўртбурчак шаклида X аср охири – XI аср бошида бунёд этилган. Мақбара марказга интилма тузилишга эга, режа бўйича чорси шаклда, ҳар бир томони дунёнинг тўртала томонига қаратиб қурилган [5, 14-15 бетлар]. Гулдаста минорачалар билан ҳимояланган, унинг кубсимон танаси узра учли кубба савлат тўкиб турибди. Гумбазнинг пастки қисмига шаклдор ғишт терилиб, пойдевор кўринишини

олган. Ички деворларда ўн икки қиррали учли ва чуқур меҳроблар саф тортган. Ён деворларга ғиштлар жуфт-жуфт қилиб терилиб, эндор тик чоклар ҳосил бўлган. Тархдаги ўлчамлар, ички – 5.65x5.80 м, ташқи контур – 9x8.7 м. Мақбара XV асрда бир қатор ўзгаришларга учраган, жанубий-шарқий девор кўчирилган, бошқа жабҳаларнинг пастки қисмлари катта ғиштлардан қилинган қўшимча девор билан мустаҳкамланган, шарқий қисмдан ташқари бурчаклардаги қаср миноралари ўрнатилган. XIX аср охирида юрчилик уста Худойберди ёдгорликнинг ярим қисми ўпирилган гумбазини қайта тиклаган, бинонинг шарқ томонидан қўшимча кириш йўлаги барпо этган [1, 77-78 бетлар].

Мақбаранинг номланиши Оқ сўзи гумбаз кўринишига биноан қўлланган бўлиши мумкин. Остона сўзи эса шахс номи эмас, албатта. Луғатларда “остона” сўзининг асл маъноси “бўсаға” тарзида изоҳланса, иккинчидан унинг мажозий маъноси ҳам берилган, “бир кишининг хузури”, “зиёратгоҳ”. Бас, шундай экан, “остона бобо” аслида “остонаи бобо” бобонинг зиёратгоҳи маъносида бўлиб, бу ерда “бобо” деб унда ҳоқиқат ётган киши назарда тутилади. Шундай экан, “Остонаи бобо” азизу авлиёлар зиёратгоҳи маъносида ишлатилиб, у талаффузда Остона бобо шаклини олиб, бир шахс номига ўхшаб қолган. Ҳар қандай бошқача талқин аслиятдан узоқ бўлиб, тарихий ҳақиқатга мос келмайди [11, 170-171 бетлар].

Мақбаранинг ғарбий девори ташқарисида 2 та тамғасимон ғиштин безаклар мавжуд бўлиб, улар етти бурчакли юлдузлар шаклига эга. Ҳар иккала безакнинг марказида ўрама (спирал) шаклли ўсимлик тасвирланган. Уларнинг гардишига эса 7 та тўлқинсимон нурли айлана – Куёш рамзи ишланган бўлиб, улар ҳам атрофидан 7 қиррали юлдуз билан ўралган. Чап томондаги юлдузсимон безак атрофлари яна 7 та тўлқинсимон барглари билан ўраб чиқилган [13, 197-198 бетлар]. Оқ Остона бобо мақбарасидаги икки мураккаб композициядаги деворий безакнинг бадиий, астрологик ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиниши натижасида бу иккала композиция битта ғояга хизмат қилгани аниқланган [10, 14-бет].

Хўжа Рўшноий мақбараси – Ангор туманида жойлашган XI–XII асрларга тааллуқли бўлиб, у квадрат шаклидаги бир хонадан иборат гумбазли мақбара бўлиб, унинг дарвозаси шарққа қараган. Мақбара унча катта бўлмаган пештоқли, ташқи томони икки зинапояли бўлиб, гумбазли саккиз қиррали услубда ёпилган. Тўрт томондаги бурчакларига ғишт билан ишлов берилган, саккиз қиррали гумбазнинг остида уч пештоқли шаклда меъморий бино қурилиб, ҳар хил нақшлар билан ишлов берилган. Мақбара пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, ғиштининг ўлчами 26x26.5 см ни ташкил этиб, тўрт бурчакли иншоотнинг ҳар бир тарафининг ўлчами 6 м бўлиб, иншоот яхши ҳолатда сақланган, ташқи томони вақт ўтиши билан эскирган. Мақбара маҳаллий аҳоли томонидан бир марта таъмирланган. 1960 йил тадқиқот ишларини олиб борган В.А. Нильсен фикрича, мақбара XI асрга оид деб топилган [11, 157-бет].

Ўйикгумбаз мақбараси – “катта гумбазли” – анъанавий вертикал қурилиш схемасига эга тўртбурчак мақбара. Шимол томонида жойлашган кириш жойи ўзгартирилиб, бир томони шарқий деворга туташган [1, 109-бет].

Тўртоғизгумбаз мақбараси бино жуда вайрон бўлган, аммо унинг харобалари ёдгорлик таркибини жуда яхши ифодалайди. Квадрат деворларида тўртта кириш эшиклари бўлган, бу ёдгорлик номини англаган. Жанубий эшиклардан бири бу олд эшик. Мақбаранинг ички ўлчамлари: 7.20 x 7.25 см, В.А. Нильсеннинг фикрича, мақбарани XI асрга тегишли бўлган. Тўрт тарафдан кириш композицион жиҳатдан IX–XI асрлар ёдгорликларида дарак беради [1, 99-бет].

Атоулла Сайид Ваққос мақбараси – Шеробод туманида жойлашган. X–XI асрларга тааллуқли, араб истилоси даврида машҳур кўмондон бўлган Атоулла эшон Мирҳайбарга атаб қурилган. У унчалик катта бўлмаган бир хонали марказий мақбара бўлиб, кириш йўлаги (эшиги) жанубий-шарққа қаратилган. Мақбара квадрат шаклида, устидаги шарсимон гумбаз эса икки қатор ғиштлардан терилган. Бинонинг олд томони ўзига хос меъморий услуб шаклида ишланган равоқсимон тешик билан ажратилиб, унинг ичи ғишт

билан терилган. Мақбаранинг пештоқи деворлари текис бир хил қилиб безатилиб, жанубий-ғарбий ва шимолий-шарқий томондан унчалик катта бўлмаган деразалар ўрни қолдирилган. Қурилишнинг қизиқ бир жиҳати шундаки, мақбара бурчакларида ўзига хос меъморий услублар мавжуд. Бинонинг уч қисмида ярим кубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ички тарафида уч қатор ғишт безак сифатида терилган. Тоқ равоқнинг пастки қисми девордан ташқарига чиққан бўлиб, ердан 1.5 м баландликдан бошланган. Бинонинг ички қиёфаси ғишт ҳолида қолдирилган, ортиқча безак берилмаган. Хонанинг ички тарафи сомонли лой сувоқнинг эски изларини сақлаб қолган. Гумбаз қуюқ сувоқ қатламлардан иборат, гумбазнинг юқори қисми янгидан қурилган. Мақбара хом ғиштан 24–26x24–26x4–4.5 см, 10x10x65 см ўлчовида бўлган. Лойиҳанинг ташқи ўлчови 6,80x6,40 м, ички ўлчови 5.25x4.75 м бўлган. Хонанинг кенглиги 7.70x7.75 м га тенг. Мақбаранинг марказий қурилишида хом ғиштан фойдаланилган, равоқнинг учи ярим кубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ичи ғишт билан арчасимон қилиб терилгани мақбаранинг XI асрга тегишли эканини билдиради. Бу мақбара XV–XVII асрларда қурилган меъморчиликнинг қадимги кўринишини ўзида акс эттирган. 1977 йилда В.А. Аршавская мақбарада дастлабки тадқиқот ишларини олиб борган [11, 155-156 бетлар].

IX асрга келиб, Ислом дини Марказий Осиёда умуммиллий дин сифатида ҳамма ҳудудларда мустаҳкамланиб борган. Таниқли сўфийларнинг кенг омма орасида таъсири ва обрўси жуда катта эди, шунинг учун X–XII асрларда ҳукмдорлар, босқинчилар ва зодагонлар ўзларининг сиёсий ўйинларида уларни қўллаб-қувватлашга киришдилар. Термиз қалъасидан унчалик узок бўлмаган Эски Термиз ўрнида жойлашган, Ал Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси асрлар давомида қабрлардан бирида барпо этилган. Бу ерда таниқли IX асрнинг сўфийси Ҳакимий сўфийлар тартибининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким Термизий дафн этилган. Яқин вақтгача одамлар уни Термиз-ота – “Термизнинг отаси” деб аташган ва шаҳарнинг маънавий ҳомийси сифатида улуғлашган. Ўрта аср шарқ адабиётига аллақачон киритилган ва унинг мармар қабридаги ёзувда сақланиб қолган Ҳаким Термизий тахаллуси “Термиз донишманди” деган маънони англатади [8, 30-бет].

Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси (IX—XV асрлар). Мақбара асрлар давомида бир неча бор қайта қурилган. Масжид, мақбара, хонақоҳ, қорихона каби бинолардан иборат бўлган. Дастлаб хом ғиштан хонақоҳ (IX аср) бунёд этилиб, Ал Ҳаким ат-Термизий шу ерда яшаб мударрислик қилган. Бинодан кенг ҳовлининг бир қисми, қалин девор тўсиқ ва шимолий-шарқий бурчагида унча катта бўлмаган ертўласимон хужра сақланган. Вақтлар ўтиши билан қабр устига, хонақоҳнинг жанубий-ғарбий бурчагида хом ғиштан жанубга қаратиб мақбара бунёд этилган (IX аср). Термизий мақбараси халқ орасида улуғланиб авлиё қабри, муқаддас зиёратгоҳ сифатида эъзозланган. Кейинчалик мақбаранинг шарқий деворига туташтириб кичик қорихона ва ўғли Ал Ҳаким Абдуллоҳ мақбараси (X аср), шимолда унча катта бўлмаган ховлига қараган 3 гумбазли, равокли йўлак кўринишидаги намозгоҳ масжиди (XI—XII асрлар) ҳамда бир қатор қўшимча хоналар қўшилган. Темурийлар ҳукмронлиги даврида (XV аср) хонақоҳ баланд асос (баландлиги 1.5 м) устига пишиқ ғиштан қайта қурилган. Унга туташ бўлган хоналар таъмирланган. Хонақоҳнинг шимол ва жануб томонларига пештоқ ишланган. Оддий ва аниқ қурилмали хона деворлари равоқ устунлари “ромб” кўринишидаги пойустунга таянган. Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси IX асрда бунёд этилган хонақоҳ хужраларидан бири бўлган. Хонақоҳ ҳовлисининг ғарбидаги 3 гумбазли масжид мақбарага туташ, 3 равоғи ҳовлига қараган. Масжиднинг ғарбий девор марказида кенг хошияли меҳроб бор. Ундаги бўртма ёзув, сопол шакллар, оралик заминидagi ўйма ганч безаклар ўзига хос. Масжид устунлари ғиштан безакли қилиб терилган. Масжиддан равоқ орқали мақбарага ўтилади. Мақбара ичи ганч ўймакорлигида гилам нусха безакда серҳашам пардозланган. Мақбара ичидаги оқ мармар сағана темурийлар давридаги тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунаси. Сағана 3 поғонали, асоси ислимий нақш ва ёзувли хошиялар билан, ўрта қисмидаги 3 меҳробий тоқчанинг марказий (ўрта) қисми муқарнас косачалар билан, 2 ёни шамчироқ тасвири билан

безатилган. Сағанадаги ёзувларда Термизий ҳаёти ва фаолияти тавсифланган. Кичик мақбарада ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Абдуллахон ҳукмронлиги даври (XVI аср)да ҳазира (ҳовли) ҳудудида 9 гумбазли масжид (эски масжидни ўз ичига олган) қурилган. Олдида енгил равоқ устунли айвон жойлашган. XIX асрда 9 гумбазли масжид ўрнида 4 гумбазли масжид бунёд этилган. Жанубдан кираверишда яна бир мақбара (гўрхона ва зиёратхонадан иборат) қурилиб, равоқли бўлмалар орқали Термизий мақбараси ва хонақоҳ билан ўзаро боғланган. Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси 1955—1957 йилларда илмий ўрганилиб XIV—XV асрлардаги кўриниши қайта тикланган. 1980—1981 йиллар ва 2001—2002 йилларда мақбара ва хонақоҳ қайта пардозланган. Мажмуанинг умумий тарҳи 28.0x29.0 м, мақбара 5.10x4.70 м [16, 392-393 бетлар]. XI-XII асрларда қурилган мақбаралар интерьеридан ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Бунга Термиздаги Ал Ҳаким ат-Термизий, интерьери гувоҳлик беради [7, 38-бет].

Зулкифл мақбараси Термиз яқинидаги меъморий ёдгорлик (XI-XII асрлар). Амударёдаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган масжид, гўрхона ва уларга туташ 2 хонадан иборат. Бинолар турли даврларда бунёд этилган. Масжид мурабба тарҳли, гумбазли, олди пештоқли, меҳробига ганчқори гириҳ нақш ишланган. Гўрхона масжид сатҳидан 1 м ча баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади, хоналар деворига ғиштлар мавжли шаклда терилган. Зулкифл мақбарасига 1025 йилда ўтиш мақсадида Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғига биноан Амударёнинг икки соҳилини бир-бири билан боғлайдиган кўприк қурилган [16, 42-43-бетлар].

Мақбаранинг безатилиши содда бўлиб, пишиқ ғиштлардан нақш берилган, гўрхонанинг ташқи чоклари ва масжиднинг шимолий-ғарбий қисмини безашда катта учбурчаксимон нақшлардан фойдаланилган. Иншоотнинг қурилиш тарихи иккита асосий даврга бўлинган, яъни дастлаб асосий кириш томонлари билан шарққа қараган масжид қурилган бўлиб, бу ерда очик ҳавода сағана жойлашган. Иккинчи даврида масжид биносига гўрхона қурилиб, кейинчалик, масжид ва гўрхона бир-биридан тўсиқ билан ажратилган. Масжид зали 6.95x6.95 м, гўрхона 6x4 м ни ташкил этади. Охирги таъмирлаш тахминан 1910 йилларда бўлганлигини иншоотнинг шарқий ва ғарбий қисми рус ғишти билан таъмирланганидан билса бўлади. Бугунги кунда иншоотнинг барча хоналарнинг том қисми (масжиддан бошқа) қулаган бўлиб, бундан ташқари, шарқий бинонинг бир қисми ва деворларида ёриқлар пайдо бўла бошлаган. Иншоот дастлаб 1926 йилда Б.П. Денике томонидан ўрганилган. 1936 йилда иншоотни М.Е. Массон, Г.В. Парфенов, В.А. Шишкинлар ўлчаб чиқишган. 1968 йилда З.А. Ҳакимов, 1977 йилда Э.В. Ртвеладзе, В.А. Аршавскаялар томонидан ўлчанган ва кўздан кечирилган [12].

Султон Саодат мажмуаси Термиздаги меъморий ёдгорлик (X—XVII асрлар). Термизнинг шарқида жойлашган бу зиёратгоҳ 7 аср давомида шаклланган. 20 га яқин мақбарани ўз ичига олган. Унда Саййидлар сулоласининг мақбаралари жойлашган. Дастлаб шу атрофдаги ерлар эгаси, Ҳасан ал Амир (IX аср 2-ярмида вафот этган) мақбараси бунёд этилган. Халқ орасида Султон Саодат мажмуаси номи билан машҳур бўлган мақбаралар X асрда, қолганлари, асосан, XV—XVII асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ховлининг 2 томонини эгаллаган [16, 127-бет]. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9x9.05 м ва 10.15x10.25 м) дан иборат. Ҳовлининг тўридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жанубдаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимолий-ғарбидаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27x27x5 см) дан жуфт-жуфт қилиб терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган. Ички хона деворларига ғишдан ҳошияли бўртма равоқлар ишланган. Жанубий-ғарбдаги мақбара шимолий-ғарбдагидан бир оз кичик, кўриниши оддий, ганч сувоқли. Мазкур 2 мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган. Сиркор кошинлар бинога алоҳида ҳусн бағишлаган. XV—XVII асрларда қурилган мақбараларда ўша даврга хос юлдузсимон гириҳ нақшлар, ганчқори безаклар кенг қўлланилган. Мажмуа истиқлол йилларида таъмирланиб [17], ҳозирда зиёратгоҳга айлантирилган [1, 91-98 бетлар].

Ғарбдан, асосий ўқда, у энг қадимий мақбара билан, шарқда монументал дарвозахона билан ёпилган мажмуа ҳудудига асосий кириш жойи сақланмаган. Дарвозахонадан ўтадиган йўлнинг нариги томонида хонақоҳ харобаси бор, ғарбда – маҳаллий аҳолига кўра, хом ғиштдан қурилган Чиллахона бор [6, 23-бет].

Султон Саодат мажмуаси. Умумий кўриниши ва бош тарҳи қуйидагича [8, 42-бет]:

1, 2 – мақбара (X-XI асрлар); 3, 4 – мақбара (XV аср); 5 – мақбара (XV-XVI асрлар); 6 – мақбара (XVII аср); 7 – айвон (X-XI асрлар); 8 – мақбара (XVI-XVII асрлар); 9 – айвон (XVI-XVII асрлар); 10 – мақбара (XVI-XVII асрлар); 11, 12 – супалар (XVI-XVII асрлар); 13, 14 – мақбара (XVII-XVIII асрлар); 15, 17 – мақбара (XVI аср); 16 – пештоқли хона (XVI аср); 18, 20 – мақбара (XVI-XVII асрлар); 19 – пештоқли хона (XVI-XVII асрлар).

Абу Исо ат-Термизий мақбараси. Тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захдок Сулламий Буғий Термизий (824, Термиз – 892, Буғ кишлоғи ҳозирги Шеробод тумани) буюк муҳаддис, Сулламий деб нисбат берилишига сабаб боболаридан бири Суллам деган араб қабиласига дўст тутинган, Буғий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Бут номли кишлоқда вафот этиб, шу ерда дафн қилинган [17]. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолганлиги учун ад Дарир таҳаллуси билан ҳам аталган [18].

Абу Исо ат-Термизий вафотидан сўнг, унга атаб мақбара бунёд этилади. Мақбара XI-XII асрларга оид, олдида устунли айвон бўлиб, бу ер маҳаллий аҳоли жума намозини ўқиши учун масжид вазифасини бажарган. Абу Исо ат-Термизий мақбараси архитектурасининг қурилиши бўйича дастлаб Д.Н. Логофет, 1945 йилда В.А. Воронина, 1968 йилда З.А. Ҳакимов, 1977 йилда А.Акименко, И.Гудков ва В.А. Аршавскаялар тадқиқот ишларини олиб борганлар [1, 112-115 бетлар].

Абу Исо ат-Термизий мақбара-масжиди Шеробод шаҳаридан жанубий-шарқда, 6 км узоқликда жойлашган. Мақбара шимолий-ғарб ва жанубий-шарқ ўқи бўйлаб чўзилган тўрт ҳадли бинодан иборат. Мақбара шу атрофдаги кишлоқларнинг аҳолиси учун байрам намозгоҳи бўлиб хизмат қилган ва шу боис, унинг асосида анъанавий анфиладали композиция тамойили ётади. Тарихий адабиётда биринчи муҳаддислардан Абу Исо Муҳаммад бин Исо ат-Термизий номи тилга олинади. Ас-Самъонийнинг хабар беришича, Абу Исо Имом ал-Бухорийнинг устозларидан маъруза эшитган. Уни етук исломшунослар қаторига қўйиб, ҳазрат Алишер Навоий гувоҳлик берадики, муҳаддис Абу Исо ат-Термизий машҳур авлиё Абу Варроқ Термизийнинг жияни бўлган. Абу Варроқ Термизийнинг жасади Эски Термиз деворлари остида дафн этилган [19].

Мақбара Абу Исо Муҳаммад Термизий қабри устига қурилган. Мақбара бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хона (бўлма)дан иборат яхлит бино кўринишида, хоналар тарҳи 4.3x4.5 м. Шимолий-шарқий тарафи айвон қурилиши муносабати билан кейинчалик тўсилган, 3 хонали бўлма мурабба тарҳли, улардан жанубдагиси гўрхона. Унда мармар сағана бор. Сағана 3 поғонали, муқарнас нақш ва ёзувлар билан пардозланган. Хонақоҳга гўрхонадан тор узун йўлак орқали ўтилган. Хонақоҳ сатҳи гўрхонага нисбатан пастроқ бўлиб, улар оралиғи кенг равоқ билан ажратилган. Хонақоҳ гумбаз билан ёпилган, меҳроби ҳам мавжуд. Ёнидаги 2 хонадан шимолий-шарқий тарафига чиқилади. Мақбара ганчкор безаклар билан пардозланиб, ташқи деворларига 6 ғиштин равоқли намоёнлар ишланган. Тобадонларига оқ ганчдан панжаралар ўрнатилган. Равоқлари ғишт қалинлигида хошияланган. Абу Исо ат-Термизий мақбараси бош тарзини 3 та кичик гумбазли қурилма эгаллаган [1, 112-115 бетлар].

Мақбаранинг учинчи зали саккиз қиррали пешайвон билан ўралган. Учинчи залнинг шимолий тарафида уч қиррали ва саккиз қиррали нақшлар ўйилган. Хоналарга унча катта бўлмаган деразалар орқали ёруғлик тушиб туради. Мақбара хоналарининг устки қисми гумбаз билан, кириш қисмидаги хона эса текис қилиб ёпилган бўлиб, хонақоҳ квадрат шаклдаги 24–25x4.5–5 см пишиқ ғиштардан лой қоришмалар билан қад кўтарган. Бинонинг умумий ҳажми 19,3x6,8 м, учта хонанинг ҳам ўлчами бир хил 4.3 м ни ва олдинги хона 1.8 м ни ташкил этади [15].

Бино кўпгина ўзгаришларни бошидан кечирган. Масжид билан мақбара бир-бирига боғланиб, дераза ромлари қайтадан ишланган, айвон XV асрда шимолий-ғарбга қараб йўналтирилган ҳамда мажмуа шимолий-ғарбий томондан анчагина шикастланган. Мақбаранинг олд тарафига XX асрнинг бошларида устунлари ўймакорлик билан ишланган айвон қурилган ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган [1, 112-115 бетлар].

Бугунги кунда мақбара тубдан қайта таъмирланиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этган. Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида ҳудуддаги инфратузилма ҳам янгиланган. Қабристон ободонлаштирилган. Бу ерга ташриф буюрувчи зиёратчилар учун барча шароитлар яратилиб, 420 ўринга мўлжалланган ва миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган Жоме масжиди, замонавий кутубхона барпо этилган [4, 60-62 бетлар].

### **ХУЛОСА**

Умуман олганда, ўрта асрларда Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши натижасида, мақбаралар меъморлиги пайдо бўлган. Мақбаралар маълум бир шахсларга атаб барпо этилган бўлиб, Сурхондарё воҳасида асосан бир гумбазлидир. Бошқа ҳудудлардан фарқли равишда мақбараларнинг безаклари камлиги, Абу Исо ат-Термизий ва Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбаралари типологиясида масжид ва хонақоҳ комплекс тарзда жипслангандир. Бугунги кунда мақбараларни меъморий жиҳатдан ўрганиб уларни таъмирлаш долзарб аҳамиятга эгадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма 1982. – С. 77-78.
2. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.: “Ўзбекистон” 1995. 56-бет.
3. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1996. 37-бет.
4. Назаров У.О. Абу Исо ат-Термизий мақбараси // Архитектура. Қурилиш. Дизайн.– Т.: 2019. – 3-сон. – Б. 60-62. (18.00.00. №3)
5. Назаров У.О. Оқ Остона бобо мақбараси // Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар мавзусидаги Республика конференция материаллари. – Т.: 2020. Б. 14-15.
6. Некрасова Е.Г. Термез и его архитектурные памятники. Т.: «ФАН» 2001, - С. 23
7. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “ФАН” нашриёти. 2005. 37-бет.
8. Пугаченкова Г.А. Термез Шахриябз Хива. М.: 1976. – С. 42.
9. Ремпель Л.И. Искусство среднего востока. М.: 1978. – С. 101.
10. Саипова М. Ўзбекистон ўрта асрлар меъморий безакларида рамзий ифодаларнинг ривожланиши. Архитектура фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2021. 14-бет
11. Турсунов С., Пардаев Т., Пайғамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Т.: 2013. 170-171-бет.
12. Термиз — Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т.: 2001.
13. Уралов А.С. Архитектура шакллари уйғунлаштириш ва безаш. Т.: 2014. 197-198 бетлар.
14. Ўролов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2011. 26-30 бетлар
15. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлик архив маълумотлари.
16. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2004. 4, 8-жилд. 392-393-бетлар.

#### **Интернет сайтлари**

17. <https://religions.uz/pages/view?id=55>
18. <https://meros.uz>
19. <https://tarix.uz>